

1930 йил  
12 майдан  
чиқа  
бошлаган



# ПОСТДА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИИВ НАШРИ

№ 18 (3442)

2002 йил 2 май, пайшанба

Сотувда эркин нарҳда




Кексалар – ҳаётимиз кўрки, юртимиз таянчи. Дарҳақиқат, хонадонларимиз давра тўрида савлат тўкиб ўтирувчи табаррук отахонлару-онахонларимиз билан янада файзли. Эл ўртасида обрў-эътибор қозонган бу инсонларнинг доно ўгитлари, маслаҳатлари эса ёш авлод — болажонларимиз учун катта сабоқ бўлаяпти.

БЕЗРУЧКО олган сурат.

## Халқаро алоқалар

### ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) делегацияси ташриф буюрди. Делегация таркибида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Бош котибининг ҳуқуқ-тартибот бўйича катта ёрдамчиси Р. Монк, маслаҳатчиси Х. Йирвестам, эксперт С. Джерам ва қонун устуворлиги бўйича ёрдамчиси Ш. Азизов (ЕХХТнинг Тошкентдаги Марказидан) бор эдилар.



Меҳмонларни республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов қабул қилди. У республика ички ишлар идораларининг тузилиши, асосий фаолият йўналишлари, сўнгги пайтларда бу тизимда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гапириб берди. Вазир меҳмонлар диққатини юртимизда терроризм ва диний экстремизм кўринишларига қарши кураш борасида олиб борилаётган ишларга, бунда ички ишлар идораларининг ролига қаратди. Ислохотлар ҳақида гапирар экан, у биринчи галда бўлинмаларнинг техник таъминоти яхшиланаётгани, ходимларнинг профессионал савияси ошаётгани, уларнинг жамоатчилик тузилмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлиги такомиллашаётганини таъкидлади. Ўзаро фикр алмашинув чоғида меҳмонлар мустақил Ўзбекистонда юз бераётган ижобий жараёнлар узоққа мўлжалланган режалар тузиш имконини беришига ишонч билдирдилар. Улар Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти республика ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқур, ҳар томонлама ўргангач, бу борада зарур маслаҳатлар ва амалий ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор этишди. Самарали ва дўстона вази-ятда ўтган учрашув чоғида ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

### ЮГУРИШ ИШҚИБОЗЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ!



4 майда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб анъанавий югуриш мусобақаси ўтказилади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ички ишлар идоралари ҳамда бўлинмалари, шунингдек, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари вакиллари қатнашишади. Иштирокчилар пойтахтдаги Матонат ёдгорлиги олдида соат 8.30 дан рўйхатга олинади. Мусобақа соат 9.30 да бошланади. Марра “Динамо” ўйингоҳида. Масофа 5 км 600 м. Фолибларни мукофотлар кутмоқда. Барча югуриш ишқибозлари баҳсга таклиф этилади.

### ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шу йил 4 май кuni соат 11.00 дан 13.00 гача Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган тахририятида (“Постда” ва “На посту” газеталари) бевосита мулоқот бўлади.

Унда паспорт тизими ва фуқаролик масалалари бўйича саволларингизга жавоб олишингиз мумкин.

Бевосита мулоқотга республика ИИВ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик хизматининг етакчи мутахассислари таклиф қилинган.

Бевосита мулоқот телефонларининг рақамлари: 139-77-23, 139-73-88, 139-75-69.

Саволларингизни олдиндан ёзма равишда 4 майгача тахририятга топширишингиз мумкин.

Манзилимиз: 700029. Тошкент шаҳри, Юнус Ражабий кўчаси, 1-уй.

Мўлжал: метронинг “Космонавтлар” бекати.

**UCHINCHI** «Постда» gazetasing ilovasi  
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI  
+ TV **OLAM**

“Касб одобномаси” сабоқлари **13**  
**АВВАЛО ШИРИН  
КАЛОМИНГ БЎЛСИН**

**ҚАДИМИЙ  
ОБИДАЛАР  
ШАҲРИ**

Самарқанд сайқали  
рўйи замин аст,  
Бухоро қуввати  
исломи дин аст.



**5**

## Маърифат дарси

КЕКСА АВЛОД  
ЮРТ ТАЯНЧИ

**Фаргона вилояти ИИБ раҳбарияти ички ишлар идоралари билан фахрийлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёш ходимларни ўз касбига, Ватанига садоқат руҳида тарбиялашда кексаларнинг кўп йиллик бой амалий тажрибасидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда.**

Навбатдаги Маърифат дарсига вилоят ИИБ фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгаши раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги Абдугаффор Сатторов, унинг ўринбосари, истеъфодаги милиция полковниги Мадаминжон Бобораҳимов таклиф этилди. Шахсий таркиб билан фахрийлар учрашуви ниҳоятда қизиқарли ва сермазмун бўлиб, ходимларда катта таассурот қолдирди.

**Б. ОМОНЗОДА,**  
милиция капитани.

**Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасида ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунининг ҳаётга татбиқ этилишига бағишланди.**

МУҲИМ МАСАЛАЛАРГА  
БАҒИШЛАНДИ

Вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Жабборов шу муносабат билан бошқарма тизимида амалга оширилган ишлар ва шахсий таркиб олдида турган вазибалар хусусида гапирди.

Маърифат дарсида иштирок этган Термиз Давлат университети ижтимоий-гуманитар фанлар факультети декани Х. Худойбердиев давлат тили билан боғлиқ вазибалар ва муаммолар юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этди.

**С. НОРМУРОДОВ,**  
милиция капитани.

## Ёнғин хавфсизлиги хизматида

## ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР КЕНГАШИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасида республика ҳудудларида аҳоли ва давлат мулкани ёнғиндан муҳофаза қилувчи бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш йўналишида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ, Транспорт ИИБ ҳамда Навоий тоғ-

қармалари ва уларнинг қуйи тизимлари хизмат йўналишларида учрайдиган айрим нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш режатадбирлари тузилди.

Режага кўра ёнғин хавфсизлиги соҳасида махсус техника воситаларидан фойдаланишни назорат қилиш мақсадида "Энг яхши ёнғин хавфсизлиги

қисми биноси" ва "Энг яхши техник хизмат кўрсатиш пости" кўрик-танлови, ходимларнинг жисмонан чиниқтириш ва жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида ўт ўчириш амалий спорти бўйича чемпионатлар ўтказилади.

**Д. ҚАМБАРОВ,**  
ички хизмат катта лейтенанти.

**1998 йилдан буён республикамизда икки босқичдан иборат "Ёнғин хавфсизлиги назоратининг энг яхши хизматчиси" кўрик-танлови ўтказилмоқда.**

## ФАХРЛИ ЎРИН СОҲИБИ

Бундан кўзланган мақсад ёнғин хавфсизлиги назорати хизмати ходимларининг билим савиясини ошириш, ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган ишларни кучайтириш, ёнғин чиқиши мумкин бўлган бино, иншоотларни ўз вақтида аниқлаб, ёнғинга қарши ҳолатини яхшилаш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш, вилоятлардаги илғор тажрибаларни оммалаштиришидир.

Наманган вилоятидаги шаҳар ва туман ИИБлари ёнғин хавфсизлиги назорати хизмати ходимлари ҳар йили ушбу тадбирда қатнашиб яхши натижаларни қўлга киритишаёпти. Чуст тумани ИИБ ЁХН инспектори, ички хизмат лейтенанти Турсунали Жўраев республика кўрик-танловининг якуний босқичида қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади. У республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармасининг Фахрий ёрлиғи, ҳамда вилоят ИИБ томонидан пул мукофоти билан тақдирланди.

**Р. АБДУЛЛАЕВ,**  
ички хизмат катта лейтенанти.

## ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН

**Болаларнинг ўт билан ўйнаши кўнгилсиз оқибатларга олиб келади. Буни ҳамма билади.**

Аммо... келиб чиқишига айнан болалар сабаб бўлаётган ёнғинлар ҳамон қайд этилиб турилибди. Улар билан суҳбатлашсангиз, ҳеч ҳам бирор жойга ўт қўйиш ниятлари бўлмаганини айтишади. Фақат катталарга тақдидан гулхан ёқмоқчи, печкага ёки ўчоққа ўтин қаламоқчи бўлишгани ойдинлашади. Баъзан уйда қаровсиз қолган болакайлар бекорчиликдан, зерикканидан гургурт ўйнашади. Хурматли ота-оналар! Такрор ва такрор эслатамиз. Болаларни назоратсиз қолдирманг. Уларнинг ўт, гургурт билан ўйнашига йўл қўйманг. Ёқилган газ, электр асбоблари қаровсиз қолмасин.

**Р. СУЛЕЙМАНОВА,**  
ички хизмат лейтенанти.

ОРОМГОҲЛАР  
МАВСУМГА ШАЙМИ?

**Ҳадемай ўқувчиларнинг ёзги таътили бошланади. Болаларнинг бир қисми оромгоҳларда дам олишади. Айни кунларда ушбу масканларни мавсумга тайёрлаш жадал давом этапти. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари жойларда бўлиб, оромгоҳларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ишлар билан танишиб, зарур йўл-йўриқлар бериб, амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.**

Шу ўринда оромгоҳларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш учун нималарга эътибор бериш зарурлигини эслатиб ўтаемиз. Биринчи галда оромгоҳда ёнғин хавфсизлигига жавобгар шахс тайинланади. Шунингдек, қуйидагиларга амал қилиш шарт:

— оромгоҳ хоналари бирламчи ўт ўчириш анжумлари билан таъминланиши;

— ёнғин ҳақида хабар берувчи алоқа тармоғи бўлиши;

— ҳовли ва хоналарни ҳар хил ёнувчи моддалардан тозалаш туриши;

— йўлаклар, эшиклар, зинапоялар олдилари ҳар хил нарсалар билан тўсиб қўйилмаслиги;

— дераза ва эшикларга темир панжаралар ўрнатилмаслиги;

— ётоқхоналардаги каравотлар оралиғида белгиланган масофа сақланиши;

— қўлбола электр тармоқлари, хоналарда электр иситгич асбобларидан фойдаланилмаслиги;

— оромгоҳда мавсумнинг очилиши ва ёпилиши вақтида бўладиган байрам гулхани биналардан камида 50 метр оралиқда бўлиши, гулхан ёқиладиган жой бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши.

Оромгоҳ маъмурияти ўқувчилардан иборат ёш кўнгилли ўт ўчириш гуруҳлари тузиши ва улар билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича суҳбатлар ўтказиши талаб этилади.

**Ф. САЪДУЛЛАЕВА,**  
**М. РАҲИМОВА.**

## "УСТОЗ ВА ШОГИРД" ТАДБИРИ

**Республика ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ёш ходимларнинг устозлар тажрибасидан фойдаланиши одатий тус олган. Шу маънода "Устоз ва шогирд" йўналишида иш олиб бориб, ёшларга етакчилик қилаётган фахрийларимиз жуда кўп.**

Сирдарё вилояти ИИБ мажлислар залида ўтказилган ана шундай тадбирда ёш раҳбар ходимлар — туман, шаҳар ИИБларининг бошлиқлари, уларнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари, одоб-ахлоқ ва интизом судларининг раислари ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказларининг раислари истеъфодаги милиция генерал-майори О. Муҳаммадиев билан учрашди.

Ҳозирда Ш. Рашидов номидаги халқаро хайрия жамғарма бош директори О. Муҳаммадиев ички ишлар ходими деган юксак номга сазовор бўлиш, бурча садоқат, фахрийлар амалга ошираётган ишлар хусусида мазмунли суҳбат олиб борди.

Ўта жонли ўтган тадбирда ёш ички ишлар ходимларига иш ўргатувчи фахрийларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўз билими, малакасини оширишга доимо кўмаклашиш алоҳида таъкидланди.

Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Р. Тўлаганов, ИИБ фахрийлари етакчиси, истеъфодаги милиция полковниги Т. Раҳмонов ва ИИБ вакиллари иштирок этиб, йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Ўз мухбиримиз.

## Қонун ва ижро

## ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТ

**Маълумки, "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа давр ичида қонун жойларда ўз ижросини топаётганлиги боис эл ишончи тобора ортиб бормоқда.**

Беруний тумани деҳқон бозориди Парахат Нуркенов ва Азамат Атаниевлар жанжаллашиб қолишди. Бир гапдан қолмаслик, ўзини тута билмаслик оқибатида даҳанаки жанг муштлашувга айланади. Натижада иккиси ҳам энгил тан жароҳати олади. Мазкур ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилади. Албатта, улар буни кутмаган ва хоҳлашмаган эди. Тергов даврида иккиси бир-бирига келтирилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги, қилмишлари учун пушаймон эканликлари ва ярашиб олишгани тўғрисида ариза ёзиб беришади.

Мазкур ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноят иши судга юборилди. Суд фуқароларнинг ярашганлиги юзасидан чиқарилган қарорни тасдиқлади.

Яна бир мисол. Фуқаро Улуғбек Юлдашев "Москвич-412" русумли автомашинасини бошқариб бораётган вақтида вояга етмаган Зоҳиджонни уриб юборди. Натижада йўловчи ҳаёти учун хавфсиз бўлган ўртача тан жароҳати олиб, касалхонага тушади. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилганда жабрланувчининг қонуний вакили — отаси Қўзибой Матниязов туман ИИБга ёзган аризасида Улуғбек Юлдашев қўшниси эканлиги, келтирилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги ҳамда ярашиб кетганлигини баён этиб, жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишни илтимос қилди.

Мазкур ҳолат бўйича тайёрланган ҳужжатлар судга тақдим этилганда ярашув тўғрисидаги қарор қонуний қабул қилинган деб топилди.

Қонун ижроси билан, деганларидек инсон манфаатлари йўлида хизмат қилаётган юқоридаги ҳуқуқий ҳужжат бахтсиз ҳолисалар туфайли ёхуд билмасдан жиноят содир этиб, азият чеккан кўнгилларга малҳам бўлаётгани ҳаётий ҳақиқатдир.

**Б. ИЗБАСАРОВ,**  
милиция катта лейтенанти.  
**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**

## Ислохотлар — амалда

**Наманган вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимларининг ташаббуси ва бевосита иштирокида уч юздан ортиқ жиноят очилди. Ўн бир мингдан ортиқ турли хил майда безориликлар, санитария қондасини бузганлар, рухсат этилмаган жойларда спиртли ичимликлар ичаётганлар, жамоат жойларида маст бўлиб юрганлар ва бошқа тартиббузарликлар аниқланди. Эллик нафар ичкилик-бозликка ружу қўйганлар ва гиёҳванд бангилар даволанишга жўнатилди...**

# ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ички ишлар идорасининг муҳим тизимларидан бири ҳисобланади. Кейинги пайтда хизматнинг бир қатор тармоқлари фаолиятида катта ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Маълумки, бу хизмат ходимлари фуқаролар билан энг кўп мулоқотда бўлишади, доимо омма орасида юришади. Вилоят ИИБ раҳбарияти шу боис ҳам айнан шу хизматда ислохотлар изчил амалга оширилишига катта эътибор берапти. Жойларда милиция таянч пунктларининг ташкил этилиши ислохот талаблари ижобат бўлаётганлигининг ёрқин мисолидир. Вилоят бўйича тўрт юзга яқин милиция таянч пунктлари очиш режалаштирилган. Ҳар бир маскан талаб даражада бўлишига эришиляпти.

Илгари вилоят бўйича 272 нафар участка вакили хизмат кўрсатарди. Айни кунларда профилактика инспекторларининг сони тўрт юздан ошди. Участка вакили том маънода ички ишлар тизимининг барча хизматларини ўзида мужассам этган ходим ҳисобланарди. Профилактика инспектори ундан қолишмайди, ҳуқуқий масалалар билимдони бўлишига эришиляпти.

Профилактика инспекторлари сонининг оширилиши билан бу ишга бошқа хизмат ходимларидан янги кадрларни жалб этдик, — дейди вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Мусахон Оппоқов. — Янги иш бошлаган ходимлар вазифаларни тезда ўзлаштириб олишга ҳаракат қилишяпти. Шундай бўлса-да, ҳали

ларнинг келишмовчиликлари, оилавий жанжаллар, турли хил аризаларни кўриб чиқишимизга тўғри келарди. Ҳозир эса милиция таянч пунктида профилактика инспектори билан ёнма-ён ишлаётган маҳалла фуқаролар йиғини, яраштириш комиссияси, хотин-қизлар кўмитаси оила турмуш доирасида келиб чиқадиган келишмовчи-

кун билан хабар олинмайди? Ваҳоланки, ўғрилар ана шундай бепарволиклардан фойдаланадилар. Фуқаролар ўзларининг айбларини англаган ҳолда милиция ходимлари хизматда йўл қўяётган айрим камчиликларни ҳам айтиб ўтдилар. Бундай учрашувлар ҳар икки томон учун манфаатли бўлаётгани боис, вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ташкил этиляпти.

Кейинги пайтда фуқаролар жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш фақат милиция ходимларининг иши, деган фикрларини ўзгартиришяпти. Улар ўзлари ҳушёр бўлмасалар, милиция ходимига зарур пайтда кўмак бер-



ёрданга муҳтож, айниқса фуқаролар билан ишлашда тажрибаси етишмаётганлар ҳам бор. Умуман, профилактика инспекторлари орасида юридик маълумотга эга бўлганлар озчиликни ташкил этади. Модомики, хизмат самараси кадрларга боғлиқ экан, уларнинг билими, тажрибаси ва маҳоратини ошириб боришимиз зарур. Шунинг учун олиқ юридик маълумот олишлари учун имкони боришга ҳаракат қилияпмиз.

Яна бир масала. Илгари бир участка вакили 8-10, ҳатто 12 минг аҳолига хизмат кўрсатарди. Ҳозирги кунда профилактика инспектори учун 3-4 минг аҳоли яшайдиган ҳудуд бириктирилган. Бунинг қулай томонларини санаб чиқиш шарт бўлма-са керак

— Мен ўн йилдан ортиқ участка вакили бўлиб хизмат қилганман, — дейди Чуст тумани ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Абдурашид Боқижонов. — Илгари тўрт-бешта қишлоқни айланиб, фуқаролар билан суҳбатлашишга улгурмасдик. Бунинг устига кўни-кўшни-

ликлар, жанжалларни муҳокама этиб, ҳал қилиш билан шуғулланяпти. Профилактика инспектори ўз номи билан ҳудудда тинчлик ва озоишталликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, турли хил ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш билан банд.

Чуст тумани ИИБ раҳбарияти хизматларнинг бошлиқлари билан биргалликда қишлоқлар, маҳаллаларда бўлиб фуқаролар ўртасида учрашувлар ўтказяпти. Ҳуқуқий масалалар бўйича суҳбатлар уюштирилиб, айнан ўша ҳудудда содир этилган жиноят таҳлил этилмоқда. Масалан, Олмос қишлоғида содир этилган ўғрилиқнинг сабаби ва айбдорлар ҳақидаги мунозара, айниқса қизиқарли бўлди. Ўғирланган икки бош сигирнинг эгаси молларни қаровсиз қолдирган. Нима учун қирқ-эллик миң сўмлик тилла тақинчоқлар сандиқда ёки бошқа ишончли жойда сақланади-ю, уч-тўрт юз миң сўмлик сигир далага қўйиб юбориб, бепарво бўлинади? Нега ичкарида молхона туриб, томорқадан ташқарига омонат охур қилиб, молни боғлаб,

масалар, жиноят болалаб кетишини англаб етишяпти. Милиция таянч пунктларида ички ишлар ходимлари билан биргалликда жамоатчилик ҳам фаолият юритаётгани ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг аҳоли билан алоқаси янада мустаҳкамланишига катта замин бўлди.

Вилоятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматида амалга оширилётган ишларда муайян натижаларга эришилаётгани ҳақида кўп мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳими, ислохот талаблари ижобат бўлаётгани боис, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар сони камайиб бормоқда. Ислохотнинг талаби ҳам шу. Бинобарин, халқнинг милиция хизматига бўлган ишончи ортиши, милиция ходими эса фуқаронинг яқин кўмакчисига айланиши керак.

**С. ШАМСИДИНОВ.**

**Суратда:** Косонсой тумани ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси ходими, милиция капитани С. Саломов (ўртада) профилактика инспекторлари билан навбатдаги режалар хусусида суҳбатлашяпти.

## Аср вабоси

## ОҒУСИЗ ДУНЁ САРИ ҚАДАМ

**Гиёҳвандлик асримизнинг чиркин иллатларидан биридир. Чунки бу бало туфайли соғлом инсонларнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда.**

Бунга, айниқса ёшлар, вояга етмаганларнинг йўлиқиши соғлом авлод тарбиясига жиддий таъсир кўрсатапти. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, гиёҳвандлик моддаларининг тарқалиши ўтган йилларга нисбатан камайган бўлса-да, уни истемол қилувчилар сони ортган. Бунинг асосий сабабларидан бири ёшларнинг тушунмаган ҳолда ушбу моддаларни тотиб кўриш баҳонасида унга ўрганиб қолишидир. Бу эса уларнинг ёш умри бевақт ҳазон бўлишига олиб келади.

Гиёҳвандлик аср вабоси эканлиги бутун дунё аҳлини ташвишга солиб келмоқда. Унинг салбий оқибатларига деярли ҳар биримиз гувоҳимиз. Шу боис ҳам ҳукуматимиз, томонидан гиёҳвандликка қарши кураш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари муносиб ҳисса қўшаяпти. Жойларда ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, кўрик-танловлар, профилактик изланишлар шулар жумласидандир. Биргина мисол. Вилоят ички ишлар бошқармаси ташкил этган профилактик тадбир давомида жорий йилнинг биринчи чорағида 39 маротаба гиёҳвандлик моддалари истемол қилган ҳолда жиноят содир этилишининг олди олинди. Мана уч йилдирки, ушбу "Оғусиз дунё сари" кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Тадбирда мактаб ўқувчилари, ўқув муассасалари жамоалари, талабалар, спортчилар, ҳаваскор қаламкашлар, журналистлар, радио ва телевидение ижодкорлари, кино-видеоҳаваскорлари, сураткашлар, рассомлар, шунингдек, қизиққан фуқаролар иштирок этишади.

Танлов 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунини Андижон шаҳридаги "Наврўз" ўйингоҳида якунланади. Шу кун вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан гиёҳвандликка қарши курашдаги амалий ишлар ва гиёҳвандликнинг оғир асоратларини акс эттирувчи театрлаштирилган шоу-дастур намойиш этилиб, ёшлар севган санъаткорлар иштирокида концерт уюштирилади.

Ҳозирда ўтган йилги танловда мақола, очерк, шеърлари билан қатнашган ижодкорларнинг асарлари тўпланиб "Мафтункор сиртмоқ" номли китоб нашрдан чиқарилди.

Гиёҳвандлик чинакам қирғинбарот хавфдир. Ундан огоҳ бўлиш ва батамом халос бўлиш ўзимизга боғлиқ. Фаровон турмуш, соғлом тарбия остида камол топиб, етуқлик оламида завқ-шавққа тўлиб яшамоққа не етсин! Шундай экан, келинг, биргаликда оғусиз дунё сари қадам ташлайлик.

**Б. АЗИМОВ,**  
милиция катта лейтенанти.

## ПУЧГА ЧИҚҚАН ҲАВОЙИ ОРЗУЛАР

**Мамлакатимизнинг барча ҳуқуқ-тартибот идораларида бўлганидек Сирдарё вилояти ИИБ ходимлари ҳам гиёҳвандлик моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ишларини фаол амалга оширмоқдалар.**

Жорий йилнинг уч ойида вилоятда гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ 47 ҳолат аниқланиб, шундан 42 таси юзасидан жиноят иши кўзга тилиди. Айбдорлар суд ҳукми билан жазоларини олдилар. Қўлга олинган гиёҳвандлик моддаларининг анчагина қисмини героин моддаси ташкил қилади. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, аср вабоси бўлмиш бу оғунинг олди-сотдиси билан шуғулланаётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинган янгиерлик Л. Бозорбоевадан 824 г, Р. Халиулидан 500 г, боёвутлик А. Халиловдан 435,5 г, И. Мамарафқов ва тожикистонлик М. Ҳожибоқиевларнинг ҳар биридани 1 кг 0,5 г дан героин гиёҳвандлик моддаси топилган. Ачинарлиси, вазифаси, касби ёшларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатиш бўлган янгиерлик, спорт мактабининг мураббийси Иномжон Юсупов ҳам 400 г героин савдоси билан машғул бўлган пайтда қўлга олинди.

Мамлакатимизга чегарадош кўшни давлатлардан гиёҳвандлик моддалари олиб ўтилиб, нафсини жиловлай олмаган айрим юртдошларимизнинг осон мол-дунё топишга интилишлари бор экан, биз, ички ишлар ходимларининг бепарволик қилишга ҳаққимиз йўқ. Айрим иродасиз юртдошларимиз умрига зомин бўлувчи оғу ва оғуфурушларнинг йўлини тўсиш, бу иллатга қарши кескин курашда милиция майори Б. Ибрагимов, милиция капитанлари А. Сулаймонов, Р. Бозорбоев каби кўплаб ходимларимиз сиз қидилдан хизмат вазифаларини адо этмоқдалар. Натижада ҳавойи орзулари боис қинғир ишга қўл ураётганларнинг йўли тўсилмоқда.

**М. ҚУВВАТОВ,**  
милиция майори.

# ШАКАР ЎҒРИЛАРИ

**Тезкор гуруҳ бир неча кишидан иборат жиноий гуруҳни қўлга олиш учун тўққиз кеча-кундуз тиним билмади.**

... Кечки пайт Маткарим шерикларини яна ўз уйига тўплади. Қилиниши лозим бўлган иш ҳаммага аён. Аммо ким нима билан шуғулланишини фақат Маткарим белгиларди. Йигитлар дастурхон атрофида узоқ суҳбатлашди. Ҳатто тортишишди ҳам. Лекин Маткаримнинг айтгани бўлди. Барча унинг кўрсатмаси бўйича ишга киришди...

Вақт алламаҳал бўлгач, тунги шарпалар Ҳазорасп темир йўл бекатида пайдо бўлишди. Маткарим уларнинг бекат худудида режадагидек жойлашиб олишганини синчковлик билан кўздан кечириб чиқди. Аммо Ботир негадир жойида йўқ эди. У безовталанганча атрофга аланглади.

— Шеф, мен бу ерданман, — дея шивирлади Маткаримга яқин жойдаги симёғочни ўзига пана қилиб олган Ботир. — Те-

мир кесадиган аррани унутмадингизми?

— Йўқ, — қисқа жавоб берди Маткарим ва шеригига қўлқоп билан аррани узатди. — Фонарни ёқиб ўчиришим билан ишга кириш.

Ботир “тушундим”, дегандек бош ирғади ва ўз жойини эгаллади. Орадан кўп вақт ўтмай бекатга юк поезде келиб тўхтади. Ботир тезда совуткичли вагон олди келди. Маткарим қўлидаги фонарь билан ишга киришиш тўғрисида буйруқ берди. Ботир темир аррада вагон муҳрининг симини кесди ва бу ҳақда Маткаримни огоҳлантирди. Улар зудлик билан вагон эшигини очди.

Омадни қарангки, вагон шакарга тўла эди. Маткаримнинг биргина ишораси қароқчиларни ишга солиб юборди. Ўн олти кишидан иборат талончилар гуруҳи Ўзбекистон — Аме-

рика қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган 41 қоп, жами 2050 килограмм шакарни вагондан туширдилар. Атрофни қузатаётган Маткарим вагон текширувчиси келаётганини пайқаб қолди ва шерикларига қочинглар, дея буйруқ берди. Аммо хушёр назоратчи узоқ бўлса-да, тунги шарпаларни кўриб, шу томонга югурди. Келиб қараса вагон очилган. Атрофда шакар тўла қоплар тартибсиз ётибди. Назоратчи тезда бу ҳақда Ҳазорасп темир йўл бекати навбатчисига хабар қилди. Навбатчи Борис Машарипов вақтни бой бермай Питнак тармоқ ИИБга қўнғироқ қилди.

Тармоқ ИИБ бошлиғи, милиция майори Ўмар Собиров бошчилигида тезкор гуруҳ тузилди. Гуруҳ аъзолари тезкор қидирув ишларини бошлаб юборишди. Вагондан туширилган 41 қоп шакардан 25 қопи ниҳоятда қисқа фурсатда ўғирлаб кетилгани уларни ўйлантириб қўйди.

Жиноятчи жазосиз қолмайди



Маткарим режа кўнгилдагидек амалга оширилганидан беҳад қувонди. Бир неча дақиқа ичида 25 қоп шакарни ўмариш осон иш эмас. У эртасигаёқ шакарнинг ҳар қопини 20 минг сўмдан пуллаб юборди ва шериклари ҳамда ўз улушини тақсимлаб чиқди. Текин-томоқлар ҳам осонгина мўмай даромадга эга бўлишганидан беҳад севинишди.

Олиб борилган тезкор суриштирув ишлари ўз самарасини бера бошлади. Аввал тунги талончиларнинг бири қўлга тушди. Сўнгра ушбу жиноий

ишда иштирок этган бошқа жиноятчилар ҳам милиция бўлимига олиб келинди.

Хуллас, ҳазорасплик Ҳ. Маткарим, Ў. Ботир, С. Алишер, Б. Қодир, Т. Ислом, Р. Карим (исмлар ўзгартирилди) каби бир неча кишидан иборат жиноий гуруҳнинг қилмиши фош этилди.

**Х. ЖАББОРОВ.**

**Суратда:** Питнак тармоқ ИИБ бошлиғи, милиция майори Ў. Собиров (ўндан биринчи) ходимлар билан ўғирланган маҳсулотни кўздан кечиришяпти.

**Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.**

## ФИДОЙИЛИК КЎРСАТИШЯПТИ

Бешариқ тумани милиция хизмати туну кун ташкил қилинган. Тунги гуруҳлар аҳоли бойлигига кўз олайтирувчилар учун исталмаган хизмат. Одатда ўғрилар кўпроқ ўз жиноятларини одамлар айна ширин уйқуда бўлган чоғларида қилишади.

... Яқинда Раққон-Яйпан йўлида соат 01-45 ларда велосипедга 3 қоп нарса юклаб кетишаётган 2 нафар йигитдан шубҳаланган тунги гуруҳ аъзолари уларни тўхтатиб суриштиришди. 21-22 ёшда бўлган бу икки шоввоз ўзларининг учинчи шеригини ҳам айтишиб, ўз ҳамқишлоқлари уйдан 200 кг — бозор нархи 80 минг сўм бўлган ловия ўғирлаб кетишаётганини, уни Яйпан бозоридан сотишмоқчи эканликларини айтишди.

А. Абдуғафоровнинг Яккатут қишлоғидаги чойхона олдида қолдирган автомашинасидан “Рожд Стар” автомагнитофонини ечиб олиб қочган 17 ёшли кимса ҳам тунги гуруҳ томонидан ушланди.

Тунги гуруҳ фаолиятидан баҳраманд бўлганлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин... Муҳими, туман милицияси фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

**М. КИМСАНБОЕВ.**

## АДОЛАТЛИ ҲУКМ

Жалолқудуқ туманида яшовчи Бўрибой Мўминов ва Восил Юсупов айна кучкуватга тўлган навқирон ёшларида тер тўкиб, меҳнат қилиб, оиласини моддий томондан яхшилаш ўрнига, ўғри деган ном олишиб, иснодга қолишди. Улар ўтган йили ноябрь ойи кечаларидан бирида “Савой-Гуручмозор” темир йўли Қўқон алоқа ва автоматика корхонасининг Андихон участкасига тегишли бўлган алоқа симлари тортилган 5 та симёғоч оралиғидаги нархи 11412 сўм бўлган 1250 метр симларни ўғирлаб, уларига олиб бориб яширишган. Хаёлларида бу симлар оз туюлиб, эртаси кун яна ўша жойдан умумий нархи 7760 сўм бўлган 850 метр симларни узиб, воқеа жойидан яширишади.

Ушбу ўғирлик ҳақида Андихон темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБга хабар берилгач, тезкор гуруҳ тузилди. Орадан бир кун ўтиб, улар яна тунда нархи 5478 сўм бўлган 600 метр алоқа симларини қирқиб, олиб кетаётганларида тезкор гуруҳ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ойим туман суди сим ўғриларининг бу жиноий ишларини кўриб, адолатли ҳукм чиқарди.

**М. ЖУМАБОЕВ,**  
милиция капитани.

## БИР ҚЎЙГА ТЎРТ “БЎРИ”

**Субхониддин уйқудан уйғонганда кун анча ёйилиб қолганди. Кечаги зиёфатдан кейин боши арининг инидек гувилларди.**

Эриниб ҳовлига чиққанди қизи:

— Дада, пул беринг, уйда нон қолмабди, — деди.

У гудраниб нималардир, деб чўнтагини кавлади. Чўнтагида уч-тўрт танга қолибди холос.

Бироз ўйлаб турди-да, бош оғригини даволаш учун кўчага чиқди. Гузар томонга кетаётгани ортидан биров чақирди. Қараса, Фафур имляпти. Шу тобда дўсти кўзига авлиёдай кўриниб кетди. Икковлон ҳаш-паш дегунча шишани бўшатишди. Гурунглашиб ўтиришганда Фафурнинг жияни бир ўртоғи билан кириб келди. Суҳбат айланиб яна зиёфатга тақалди.

— Текин пул топмасак, бўлмайди, — деди Субхониддин.

— Бирор жойдан мол ўмарсак анча даромад ишлаб олардик, — деди Фафур.

— Маҳалламизда бир бева аёл яшайди, қўрасида қўйлари бор, — деди Фофурнинг жияни.

Бу гап барчага ёқиб тушди. Келишувга биноан тўрт ҳамтовоқ ярим тунда бир жойда учрашишди. Субхониддин билан Фафур икки йигитни “овга” жўнатиб, кутиб ўтиришди. Орадан бир соатлар ўтиб, улар бир қўйни етаклаб келишди.

— Нима, кўрада бор-йўғи битта қўй бор эканми? — сўради Фафур жиянидан.

— Яна бор...

— Тўрт кишига бир қўй нима бўлади, ҳаммасини етаклаб келаверинглар, — деди Субхониддин кўзлари ўйнаб.

Ўша тунда Ғумсой қишлоғида яшовчи нафақадор аёлнинг тўрт қўйи кўрасидан ғойиб бўлди.

Мазкур ўғирлик ҳақидаги хабарни олгандан кейин Фаллаорол тумани ИИБ ходимлари турли томонларга жўнашди. Текин пул топиб, бойишга уринган тўрт шахсни топиш қийин бўлмади. Улардан икки қўй ва пуллар далилий ашё сифатида олинди.

**С. ШАМСИДИНОВ.**

## ДАЛИЛИЙ АШЁ ҚЎЛ КЕЛДИ

Одамнинг феъл-атвори ўхшаш бўлса ёши орасидаги фарқ ҳам унчалик, билинмас, унча-мунча ишни қадрдон дўстдек бажариб кетаверар экан. Ораларида ўн ёшдан ортиқ фарқ бўлган С. Хўжакелди билан Х. Камолиддинларни ҳам “ўзаро мақсад” бирлаштирди. Улар “чин дўстлик”ка қўл ташлашиб, Сирдарё бўйида ўтлаб юрган олтига қўйни ҳайлаб кетишди.

Бир зумда бор бойлигидан айрилган Қосимжон Йигиталиевнинг қўйларни қидирмаган жойи қолмади. Натижа чикмагач, Гулистон тумани ИИБга ариза билан мурожаат этди. Олиб борилган тезкор су-

риштирувлар натижасида иккала текинхўрнинг қилмиши фош бўлди. Чатоқ томони, Хўжакелди ва Камолиддин жониворларни сўйиб, гўштини пуллаб юборган эканлар. Судда олтига қўйнинг териси ашёвий далил сифатида “қатнашди”. Иккала “гўштхўр”нинг эса етаклашган зарар — 300 минг сўмни эгасига тўлашгани, биринчи марта судланаётганликлари, қилмишларига сидқидилдан пушаймонликлари ҳисобга олиниб, уларга суд ҳукми билан беш йилдан шартли жазо берилди.

**Б. ЭШОНҚУЛОВ,**  
милиция капитани.

... Пайшанбадан пайшанбагача...

### ТАДБИРКОРНИНГ “ТАДБИРИ”

Чинос шаҳрида хусусий тadbirkor Р. Х. ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Х. билан тил бириктириб жиноятга қўл уришди. Улар ярим тунда пахта тозалаш заводи деворини тешиб кириб, у ердан уч тоннага яқин уруғлик чигитни ўғирлаб кетишгани фош этилди.

### ТУНОВЧИ ЙЎЛОВЧИ

Поп туманининг Янгиер қишлоғида яшовчи Х. Эрқўзиев “Дамас” русумли автомашинасида кетаётган нотаниш йўловчини машинасига ўтказди. Улар Янгиобод қишлоғига етишгач, йўловчи раҳмат айтиш ўрнига ҳайдовчини қўрқитиб автомашинадан тушириб юборди. Ўзи текин ўлжани ҳайдаб кетди.

Ички ишлар ходимларининг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари натижасида ушбу жиноятни содир этган номаълум кимса қўлга олинди. У аввал ҳам судланиб ақли кирмаган 27 ёшли Т.У. экан. Автомашини соз ҳолда эгасига қайтарилди.

### ТУНГИ ШАРПА

Самарқанд шаҳрининг Темирйўл туманида пайдо бўлган Ш. Р. милиция ходимларида шубҳа уйғотди. Бу бекорга эмас экан. У 300 граммга яқин героинни 5.000 АҚШ долларига сотаётган вақтида қўлга олинди.

### МИЛТИКЛИ ЎҒРИ

Бухоро шаҳрининг Ф. Хўжаев туманида яшовчи А. Ғ.нинг уйида ўғирлик содир бўлди. Хонадонга девор ошиб кирган номаълум кимса уй ичидаги темир

кутини бузиб, ичидаги “Панасоник 3500” видеокамераси ва иккита ов милтигини ўғирлаб кетган эди. Ички ишлар ходимлари зудлик билан ишга киришди. Кўп ўтмай 35 ёшли муқаддам судланган И. Э. аниқланиб, ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

### КОТИЛЛАР АНИҚЛАНДИ

Қорақалпоғистон республикасининг Эликқалъа туманидаги пахта тозалаш заводи олдида касби қоровул бўлган Ю. Розимовнинг жасади топилган эди. Олиб борилган қидирув ишлари натижасида ушбу қотилликни содир этган Р. Р. ва К. Қ. лар аниқланиб ушландилар.

### ЯНА ҚЎЗИҚОРИН ҲАКИДА


Газетамизнинг ўтган сонидида кўзиқориндан заҳарланиш ҳолати бўйича хабар берган эдик. Афсуски, бундай ҳолатлар яна қайд этилмоқда. Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида яшовчи Феруза ҳамда унинг укалари Ўткир ва Сардорлар қир-адирлардан териб келган кўзиқоринларни истеъмол қилиб заҳарланганлар. Улар касалхонага олиб келинган. Шунингдек, Қизилтепа туманида истиқомат қилувчи Я. Шодмонов ҳамда Ю. Раҳматовлар оиласида ҳам кўзиқориндан заҳарланиш ҳолати қайд этилди. Ушбу икки оиланинг жами саккиз нафар аъзоси касалхонага ётқизилди.

**И. МИНАВАРОВ,**  
республика ИИБ Матбуот маркази ходими, милиция майори.

# УЧИНЧИ «Посида» gazetasining ilovasi

## + TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI



*Самарқанд сайқали рўйи замин аст,  
Бухоро қуввати исломи дин аст.*

**Бу шаҳарнинг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Қадимшунослар Бухорода қазилган ишлари олиб боришганида 20 метр чуқурликдан милоддан аввалги IV асрга оид турар жой бинолари, идиш-товоқлар, тангалар ва заргарлик буюмларини топишган. Шу топилмаларга асосланиб Бухоронинг шарифининг ёши 2500 йилга тенг деб ҳисобланади.**

бу мажмуа ҳозир ҳам сайёҳларни ўзининг муаззамлиги, муҳташамлиги билан ҳайратга солади. То шу кунгача сақланиб қолган обидалар номларининг ўзи мақоламизда анча жойни эгаллайди. Чашмаи Айюб зиёратгоҳи (XII–XIV асрлар), Баёнқулихон даҳмаси (XIV аср), Шайх Сайфиддин Боҳарзий мақбараси (XIV–XV асрлар), Чор. Бакр мажмуаси, (XVI аср), Нодир девонбеги мадрасаси (XVII аср), Болоҳовуз мажмуаси, (XVIII–XIX асрлар), Ситорай Моҳи хосса саройи



Пои Калон мажмуаси

турли ривоятлар афсоналардан бири-бирини такрорламайди. Мен улардан ҳақиқатга яқинини зикр этмоқчиман. Бухоро давлатининг сўнгги ҳукмдори Амир Олимхон шаҳар ташқарисидан ёзган сарой кўришига қарор қилади. У мулозимларга энг баҳаво жойни танлашни буюради. Улар тўрт томонга тарқалиб, турли жойларга ёзқуни янги сўйилган қўй тўштини осиб қўйишади.

Чашмаи Айюб ҳақида ҳам гаройиб афсона бор. Уни “Таврот”да зикр этилган Айюб пайғамбар билан боғлашади. Эмишкани, ул ҳазрат ҳассаларини урган ердан чашма отилиб чиққан экан. Ҳақиқатан ҳам конуссимон гумбазли, кўп бўлмали бу зиёратгоҳ ичида қудуқ бор. Искандар Азимовнинг “Бухоро” деб

## ҚАДИМИЙ ОБИДАЛАР ШАҲРИ


Бу ерда шаҳарсозлик ўша қадим замонлардан ривожланиб, тараққий топиб келган. Унинг Буюк ипак йўлида жойлашганлиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Шаҳар марказида жойлашган Арк қалъасида ҳукмдорлар, уларнинг йирик амалдорлари истиқомат қилишган. Атрофи шаҳристон бўлиб, уни ҳунармандчилик расталари ўраб турган.

Бухорода ислом динининг ёйилиши меъморчиликнинг янада ривожланишига туртки бўлди. Кўплаб масжидлар, хонақоҳлар, миноралар ва мадрасалар бунёдга кела бошлади. Шу билан бирга илмфан, маданият ҳам тараққий топди. Бухоро бекорга ислом дини қуввати деб юритилмаган. Бу ерлардаги мадрасаларда замонасининг забардаст диний ула-

молари илму толибларга сабоқ беришган. Мадрасаларнинг ўша пайтдаги маърифий, ахлоқий аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерда ҳандаса, риёзиёт, жуғрофия каби дунёвий илмларни ҳам ўрганишган. Бу билан даргоҳларини битирганлар нафақат Мовароун-

(XIX–XX асрлар) кабилар шулар жумласидандир.

Бухоро нафақат ҳунармандлар шаҳри, балки йирик савдо маркази ҳам эди. Унда неча ўнлаб қарвонсаройлар ҳаммиша узок юртлардан мол олиб келганлар билан гавжум бўлган. Ҳам сотувчиларга, ҳам харидорларга қулай



Ситорай Моҳи хосса


наҳрда, балки бутун ислом Шарқида жуда қадрланганлар.

Бизгача кўплаб турар жой ёдгорликлари, ҳаммомлар, савдо-сотик иншоотлари ҳам етиб келган. Буларнинг барчасида бухоролик усталарнинг юксак маҳорати, истеъдоди, диди акс этган.

XII – XVI асрлар мобайнида эски шаҳар марказида Бухоронинг энг баланд минораси – Минорай Калон, Жомеъ масжиди ва Мири Араб мадрасаси бунёд этилди. Пои Калон номи билан машҳур

бўлсин учун ўрта асрларда гумбазли тимлар бунёд этила бошланди. Улардан Тоқи Саррафон (пул айрбошловчилар тими), Тоқи Телпақфурушон (бошқийим тикувчилар, сотувчилар тими), Тоқи Заргарон (заргарлар тими) ҳозир ҳам фаолият кўрсатади.

Бухоро ҳақида гап кетганда Ситорай Моҳи хосса ҳақида тўхталмасак бўлмас. Бу гўзал обида Шарқу Фарб меъморчилигининг уйғунлигини ўзида акс эттирган. Унинг қурилиши билан боғлиқ



Масжиди Калоннинг бир кўриниши


Фақат кейинчалик сарой қурилган жойдаги қўй тўштигина бир кеча-кундуз осиглиқ турса ҳам айнинамайди.

Ҳақиқатан бу жойнинг ҳавоси мусаффо. Ер бағридан шифобахш маъданли сув чиққани ҳам бежиз бўлмас керак. Энди бевоқиф Ситорай Моҳи хоссага қайтсак. Номининг маъноси “Юлдузлар ва Ой аро” дегани. Амир бу ерда ҳам ҳордиқ чиқарган, ҳам турли давлатлар элчиларини қабул қилган бўлса керак. Хоналарининг нақши нигорлари на шаклу шамоили, на услуби жиҳат-

номланган рангли суратлар тўпламида бундай обидалар ҳақида яна кўплаб қизиқарли маълумотлар олиш мумкин.

Хуллас, гапирсак гап кўп. Муддаомиз ҳурматли газетхонларимизга Бухоронинг шарифининг осори атиқалари ҳақида озгина бўлса-да маълумот бериш эди. Токи улардан бу қадимий шаҳарда бўлмаганлари боришсин, кўришсин. Борганлари яна бир марта боришсин. Афсус қилишмайди, Бухорони ўзлари учун янгидан кашф этиб қайтишади.

Б. ТОШЕВ.



Сомонийлар мақбараси

Мақтанмайман-у, аммо уйимиздаги мебель ниҳоятда қадимги — бемалол ноёб буюм дейиш мумкин. Сервант 1905 йилги инқилобда қатнашган, баррикадада турган. У ўргатилган, агар ёнида туриб қаттиқроқ “Ёт!” дейилса, дарров ётади.

ли! Арзон! Тунда чегирмаси бор. Тонгда деярли текин!”

Агар мебелни ҳозир алмаштирмасам, полда ўлиб кетаман, деб ўйладим. Тонгги соат тўртларда телефон қилдим:

— Бу “Испания мебели”ми?

— Бўлаверади, ахир текинга-ку, — дедим мен.

Қиз сўради:

— Темир эшик ҳам ёзайми?

— Ҳаммасини олиб келавинглар.

Испания мебелини йигирма дақиқадаёқ етказиб

А. ЦАПИК

# МЕБЕЛЬ

Тўғри, ҳозирча “Тур!” деган буйруқни тушунмайди. Каравотга эса қарашинг билан гижирлашни бошлайди. Шу каравот туфайли қўшнилари мени

Бир қиз сўради:

— Сизни нима қизиқтиради?

— Текин нарсаларнинг ҳаммаси қизиқтиради, — дедим.

келишиди. Уларнинг бошлиғи сўради:

— Коттежингиз қани?

— Бунинг нимаси кotteж эмас? — дедим мен. — Ана, ошхона нақ стадиондай, олти метр, ҳожатхонада рақс тушса ҳам бўлади, агар унитаз олиб қўйилса.

— Шунча нарса буюриб-сизки, мен қасрда яшасангиз керак, деб ўйлагандим.

— Қасрда яшаш жонга тегди, — дедим мен. — Арвоқлар оғзидан ароқ, сигарет ҳидини анқитиб кезавериб қийнаб юборди. Яна қурум босиб кетган. Қасрда товуқ боқяпмиз.

— Негадир коттежингиз камбағалроқ экан. Диванингиз ҳам галати. Пружиналари чиқиб ётибди.

— Чиқса чиқар, — дедим мен. Улар тилладан.



— Сиз шунақа ҳазилкашмисиз? Мана, мебелга ҳисоб, — дея қоғоз тутқазди испан.

Қоғозга қарасам, чувалчангнинг расми, ўртасидан иккита чизиқча ўтган. Бир юзу саксон ва учта нол ёзилган. Худди бир юзу саксон мингта чувалчанг деганга ўхшаш.

— Чувалчанг нима қилиб юрибди? — деб уни чизиб ташладим. — Тийини ҳам кўрсатилмабди. — Иккита нолни нуқта билан ажратдим. Бир юзу саксон минг бир минг саккиз юзу ноль-ноль тийинга айланди. Уч машина мебелга арзийди, деб ўйладим. Испанга ҳам шуни айтдим.

— Қанақа чувалчанг?! — хитоб қилди у. — Қанақа бир минг саккиз юз?

Шундагина менга етиб келди — тонгда харид қилганга ўттиз фоиз чегирма-

— Бунча турадиган эшик тўппа-тўғри жаннатга очилиши керак.

Хуллас, испанлар роса бақир-чақир қилишди. Узоқ бақирдилар, икки соатдан ортиқ, то ҳирқираб қолгунларича. Кейин кетишди. Ҳамма мебелни — ўзларининг янги, менинг эски мебелларимни ҳам олиб жўнадилар. Шунананги жаҳллари чиқдики, менинг мебелларимни балкондан туриб пастга отишди. Еттинчи қаватдан. Сервантни қолдиришди, у сўкинишлардан секин пастга ётиб олгани учун кўришмади. Уни тазга ачиндим, суғуриб олдилар. Энди ҳожатхонада рақс тушса ҳам бўлади.



роса шаҳватпараст деб ўйлайди. Яқинда ухлаб ётиб оёғимни узатиб юборган эканман, қўшним телефон қилди.

Каравотдан тушиб полда ётдим ва уйқум қочиб телевизор кўра бошладим. Телевизорда реклама берилляпти: “Испания мебе-

— Сиз шунақа ҳазилкашмисиз? — деди у. — Аниқ нима керак?

— Текинга сервант олган бўлардим, диван, йигирмата стул, ошхона жиҳози...

— Ошхона жиҳозининг носозли қолган.



си ҳам бор-ку. Демак, бир минг саккиз юздан ўттиз фоиз чегирамиз.

— Бир минг саккиз юздан ўттиз фоиз чегирмасичи? — дедим мен. Мана, испан оғайни, сенга бир минг икки юз сўм, юкчиларга икки шиша ароқ ва “но пасаран”.

Испан деди:

— Ароқ учун раҳмат, аммо “но пасаран” эмас. Биргина сейф-эшикнинг ўзи етти минг доллар туради!


Анчадан сўнг “Испания мебели”га кўнғироқ қилдим, улар мени дарров танидилар.

— Салом, миллионер Хрепов!

Мен уларга фақат манзилимни бергандим, холос, фамилиямни қаердан билдилар экан, деб ўйладим. Яхшилаб текширишган бўлишса керак.

Шундай қилиб, мана, полда ётибман.

О. ФАРМОН таржимаси.



## КРОССВОРД

**Энига:** 5. Миллий таом. 8. Қадимги узоқ йўлларда карвон ва йўловчилар тўхтаб дам олган махсус жой. 10. “Сукот — аломати...” (мақол). 11. Фаннинг бирор соҳаси бўйича юқори илмий савия эгаси, етук билимдон мутахассис. 12. Математиканинг асосий тушунчаларидан бири. 13. Ўтмишда Ўрта Осиёда ишлатилиб келинган масофа ўлчов бирлиги (тахминан 8,5—9,5 чақиримга тенг). 14. Асли бухоролик бўлган, мақом йўлларини доира ва танбур жўрлигида, ўзига хос услубда маҳорат билан ижро этган атоқли ўзбек ҳофиз. 16. Катта соатларнинг кўнғироғи. 17. Биринчи рус академиги. 21. Шарқ мамлакатларининг қадимий шаҳарларида қурилган усти ёпиқ бозор, савдо растаси. 22. Нурланиш қонунини кашф этган, Нобель мукофоти билан тақдирланган немис физиги. 23. Енгил автомобиль русуми. 25. Республикамиздаги шаҳарлардан бири. 27. Юганнинг чарм тизгини. 28. Давлатнинг марказий идора органларининг бирига раҳбарлик қилувчи олий мансабдор шахс, ҳукумат аъзоси.

"Хатти-ҳаракатида, вазифасини, хизмат бурчини виждонан бажаришида" дерсиз. Ва минг карра ҳақ бўласиз. Бу нарса, жумладан, уларнинг гап-сўзида, бошқалар билан муомаласида ҳам намоён бўлади. Балки, бу ҳузурига бир ташвиш билан кирган кишига "Келинг. Ўтиринг, хизмат?" дейишидан бошланар. Эҳтимол, назорат-ўтказиш пункти ёнида анча пайт сарғайиб кутиб қолган отахонни керакли раҳбар олдида бошлаб киришда намоён бўлар? Ёки ўзидан ёши катгароқ фуқарога очик юз билан салом беришдан бошланар бу. Халқ хизматида бўлишдек шарафли иш ана шундай оддий, самимий муомала-мулоқотдан бошланар, балки? Бунга сиз нима дейсиз, ҳурматли газетхон?

Б. ТОШЕВ.

## "МИЛИЦИЯ — ҲАЁТИМ МЕНИНГ"

**Узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, пенсияга чиқишнинг ўзи бир бахт. Лекин бир оила фарзандидек бўлиб қолган жамоадан айрилиш, ўз уйингдай кўрган даргоҳдан узоқлашиш осон эмас. Шунинг учун фахрийларни тез-тез йўқлаб, кадрдон жамоасига таклиф этиб, суҳбатлашиб туриш хайрли иш бўлади.**

Бизнинг Шофиркон тумани ички ишлар бўлими раҳбарияти фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказининг фаолиятига катта эътибор беришти. Шинамгина, яхши жиҳозланган хона ажратилган.

Пенсия пулини ички ишлар бўлимнинг ўзида тарқатилиши айни муддао бўляпти. Кексаларимиз идорага келиб, бир-бирлари билан дийдорлашиб, суҳбатлашиб, ўтган воқеаларни эслаб, дилларини ёзиб олишади. Байрамларда, қутлуғ кунларда давра тўри фахрийларники бўляпти.

Истеъфодагиларнинг аксарияти 45-50 ёшлардаги ходимлардир. Уларнинг тажриба-

лари, билим ва маҳоратларидан фойдаланиш мақсадида, милиция таянч пунктлари, маҳалла, мактабларга бириктириб қўйганмиз. Улар фуқароларга ҳуқуқ масалалари бўйича маслаҳат бериб, қонун-қоидаларни тушунтиришда профилактика инспекторларига кўмак беришяпти. Бундан ташқари, ёш ходимларга жиноятларни очиш, содир этган шахсларни аниқлашдаги тажрибаларидан ўргатмоқдалар. Туомандаги мактабларда ташкил этилаётган ҳуқуқий билимларга оид тадбирларда ҳам фахрийларимиз фаол иштирок этишяпти. Ўқувчиларга Давлат Конституция, қонун-

қоидалар ҳақида тушунча бериб, савол-жавоблар ўтказишяпти.

Ундан ташқари фахрийларимизни ёш милиция ходимларига ҳам бириктириб қўйганмиз. Улар хизмат вазифасини адо этишда туғилган муаммоларни ҳал этишда маслаҳат оладилар. Республика, вилоят миқёсида ўтказилаётган тадбирларда ҳам фахрийларимиз фаол иштирок этишяпти. Масалан, истеъфодаги милиция майори Ж. Шоев "Тозалаш" тадбирида қатнашиб, ўғрилиқ содир этиб, қидирувда юрган шахсни ушлаб, ходимларга топширган. Шу ўринда фахрийларимиздан Н. Эгамбердиев, Э. Зоиров, П. Баҳромов, С. Шарапов, Н. Нуфтиллаевлар ҳам тадбирларда ёш ходимларга кўмак беришаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Фахрийларимиз мустақил давлатимиз равнақи, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бор куч-гайратларини сарфлай-верадилар.

Т. АСАДОВ,  
истеъфодаги  
милиция майори.

## ЗАМОНАВИЙ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

Қарор ва ижро

**Профилактика хизмати ролини кучайтириш бора-сида жойларда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хўш, бу борада Ҳоразм вилоятида қандай ишлар қилинапти? ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Шавкат Раззоқов саволимизга қуйидагича жавоб берди:**

— Бошқармамиз томонидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Биз ислоҳот талабларини чуқур ўрганиб чиқиб, вилоят ҳудудида икки юзга яқин милиция таянч пункти ташкил қилишни режалаштирдик.

Саъй-ҳаракатлар натижасида шу мақсадда 11 та ермайдони, 53 та қурилиши туғалланмаган бинолар ажра-

тилди. Урганч шаҳри, Ҳазорасп, Шовот, Хива ва Урганч туманларида барча қулайликларга эга бўлган замонавий милиция таянч пунктлари ишга туширилди. Кўшкўпир, Боғот, Гурлан туманларида эса қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Ислоҳотдан илгари мавжуд бўлган хизмат хоналарининг аксарияти бир хона-

дан иборат эди. Шу боис уларнинг 62 тасига қўшимча хоналар ажратилиб, қайта таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда 160 та милиция таянч пунктида ички ишлар идоралари ходимлари фуқароларни қабул қилиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши учун барча шароитлар яратилди.

Вилоят ИИБ қошида фаолият кўрсатаётган ўқув ва жанговар тайёргарлик марказида бир ойлик ўқув курси ташкил қилинди. Шу кунгача 60 нафар профилактика инспектори қайта синовдан ўтказилиб, лавозимларга тайинланди.

Суҳбатни Х. ЖАББОРОВ  
ёзиб олди.

Сирдарё вилоятида ҳам чўл ҳудудларини ҳисобга олиб, ҳаракатдаги сайёр профилактика пункти ташкил этилди. У замонавий техника ва алоқа воситалари, тарғибот ва



ташвиқот қўлланмалари билан жиҳозланган.

— Ушбу кўчма профилактика пункти чўл ҳудудларида яшовчи фуқароларнинг энг яқин кўмакчисига айланган, — дейди Гулистон шаҳар ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция лейтенанти А. Эрнзаров. — Ходимларимиз маълум кунларда бу ҳудудларда истиқомат қилувчилар билан учрашиб, ҳуқуқий муаммоларни ечишда кўмаклашиб, турли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Ўз муҳбиримиз.

Суратда: ҳаракатдаги милиция таянч пункти.

Қ. КАРИМОВ олган сурат.

## ҚИСКА САТРАЛДАРДА

**Фаргона вилоятида содир этилаётган ўриликлар милиция ходимларининг сазий-ҳаракати билан ўз вақтида фош этилмоқда**

Фаргона тумани Лоғон қишлоғида Шухрат исми йигит Фаргона шаҳрида яшовчи уй бекаси Дилфузани кўрқитиб, бўйнидаги 120 минг сўмлик тилла занжирини тортиб олади. Фаргона шаҳар ИИБ ходимлари томонидан кўрилган тезкор тадбирлар натижасида талончи далилий ашё билан ушланди.

\*\*\*

Қирғули туманилик уй бекаси М. Натальянинг бошига ҳам худди шундай кўргулик тушди. У Шароф Рашидов кўчаси бўйлаб кетаётганида номаълум шахс бўйнидаги қимматбаҳо тилла занжирини юлиб қочди. Милиция ходимлари кўрган чора-тадбирлар натижасида талончи далилий ашё билан қўлга олинди. У Фаргона шаҳрида яшовчи Баҳром бўлиб чиқди.

\*\*\*

Фарғоналик Қ. Матлубахоннинг хонадони эшигини номаълум шахслар бузиб кириб, 60 минг сўмлик иккита гиламини ўғирлаб кетишади. Аёл милицияга хабар беради. Руслан ва Шухрат исми йигитлар мазкур ўғирликда гумонланиб, ушландилар.

\*\*\*

Олтиариқ туманидаги “Шоҳимардон” фермер хўжалигидан бир новвос ҳамда қўй номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган эди. Милиция ходимлари олиб борган тезкор тадбирлар ўз натижасини берди: ўғирланган моллар топилди. Ўғри Повулғон қишлоғилик Илҳом экан.

\*\*\*

Номаълум шахс Бағдод туманининг Қароқитол қишлоғида яшовчи Ҳабибулло Ҳожиёвнинг дарвозахонасида турган “Москвич-412” русумли автомашинадан аудиомагнитофонни ўғирлаб кетади. Воқеа жойига “Линда” лақабли хизмат ити билан чиққан туман ИИБ ходимлари шу қишлоқда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Фарҳод исми йигитни мазкур жиноятни содир этганликда гумон қилиб ушладилар. Ундан далилий ашё олинди.

\*\*\*

Данғара тумани Галаба қишлоғида яшовчи пенсионер Х. Абдувалиеванинг ҳовлисига номаълум шахслар чорбоғ орқали кириб, новвосини ўғирлаб кетишган эди. Туман ички ишлар бўлими ходимлари олиб борган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида Хайринисо аянинг ҳамқишлоғи, илгари судланган Абдурахмон ушланди.

М. КИМСАНБОВ.

# ТАҚДИР КАЛИТИ КЎЗИНИ ОЧДИ...МИ?

**Баҳром бугун ҳам ўз ўлжасини пойлаган бургутдек атрофни олазarak кузатар экан, унинг эътиборини “Чорсу” бозори ёнидаги Сағбон кўчаси ёқасида турган “Москвич-Иж Комби” русумли автомашина тортди.**

У пайт пойлаб машинага яқинлашди. Ҳеч ким эътибор бермаётганига ишонч ҳосил қилган Баҳром доим ўзи билан олиб юрадиган калитга “буйруқ берди”. Бир зумда машина “нотаниш” эгасига эшигини очди. Ноилож “ҳайдовчи” буйруғига бўйсунган машина яшиндек учиб бориб Себзор даҳаси 52-уй олтидан макон топти. Энди “ҳайдовчи” галдаги операция ишларига астойдил шўнғиди. Автомашинани аста-секин эҳтиёт қисмларга ажрата бошлади. Аввал олд филдирагини, домкратини, сўнгра эса радиоприёмнигини “ўлжа” қилди-да, тезда “куён” бўлди. Бугунги “ови” юришганидан оғзи қулоғида бўлган Баҳром яна янги режаларни кўзлаб, ширин уйкуга кетди.

Осонгина яшаш, енгил пул топиш ёқиб қолган Баҳромнинг кўнгли роса 20 кун ўтгач, яна бир машинага “хўжайин” бўлишни тусаб қолди. Дадил-

лик учун 100 грамм отиб олгач, қўлига қадрдон калитини олиб, йўлга тушди. Ботир Зокиров кўчаси бўйлаб борар экан, йўл четида қаровсиз қолдирилган “Москвич-412” русумли автомашина эътиборини тортди. Кўп ўтмай, Баҳром машинани катта йўлда худди ўзининг шахсий уловидек ишонч билан бошқариб борарди. Қорақамиш даҳасидаги 11-уй ёнида тўхтаган машина ўзининг “кўрк”ларидан бир зумда жудо бўлди. 17 минг сўмлик филдираги, 3000 сўмлик насос, 5000 сўмлик домкрат ҳаш-паш дегунча Баҳромнинг шахсий мулкига айланди-қолди.

Бу ишнинг яхшигина ҳадисини олаётган Баҳром янада тажрибалироқ “овчи”га айланди. Кейинги гал “Чорсу” бозори ёнидаги “Бир зумда” кафеси олдида “Москвич-2140” русумли автомашинага ишқи тушди. Бу сафар Баҳромга доимий ҳамроҳи — калит керак бўлмади. Чунки машинанинг эшиги очик қолдирилган эди.

Баҳромнинг тезкор ҳаракатлари бу гал панд берди. “Ўлжа”сини тезроқ гумдон қилишни ўйлаб кетаётган Баҳромнинг ўй-хаёллари бирданига тарқалди. Шошиб бораётган у йўл четида турган “ВАЗ-



у йўл четида турган “ВАЗ-

2109” русумли автомашинани уриб юборди. “Ўлжа машина” худди манзилига етиб келгандек тақа-тақ тўхтади. Тезкорлик билан етиб келган милиция ходимлари машиналарни олиб қочиб, хилват жойларда ўз “операция”ларини бажариб юрган кимса — Баҳромнинг қилмишларига нуқта қўйишди.

Эндигина йигирма бешни қаршилаган бу йигит иккинчи бор қора курсига ўтирди. Айни навқирон ёшда, билаклари кучга тўлган Баҳром шу пулни ҳалол меҳнат қилиб топса ҳам бўларди-ку! Наҳотки унинг ота-онаси, яқинлари бу “хунар”идан беҳабар бўлсалар? Боласининг бирор тайинли жойда ишламаслигини билган ота-она унинг қўлида қандай қилиб пул кўпайиб қолгани билан наҳотки қизиқмаган бўлсалар? Баҳромнинг атрофидаги оғайнилари ичида бу йўлнинг охири жарлик эканини уқтирувчи садоқатли дўстлари наҳотки топилмади? Охир-оқибат нима бўлди? Баҳром ширингина оиласидан айрилди, “ўғри” деган ном олди.

Ўз боласини қора курсида кўрмоқ ота-она учун осонми, ахир? Баҳромнинг тақдири бошқа ёшларга сабоқ бўлар, балки. Бу кўзгуга боқиб, улар шайтоннинг сўзидан ўзларини қайтаришга куч топишар, эҳтимол! Нима бўлганда ҳам ҳаром луқма бир кун қусдири моғини, бузоқнинг югургани сомонхонагача эканлигини унутмасалар бас.

Нилуфар ДАВИДОВА.

## АДОВАТНИНГ АДОҒИ

Кўқон шаҳри Замаҳшарий кўчасида истиқомат қилувчи 7-мактаб ўқувчиси Шавкатжон Азимовнинг шу йил 8 март куни бедарак йўқолганлиги ҳақидаги хабар шаҳар атрофидаги туманлар милиция идоралари ходимларини оёққа турғазди. Жумладан, Ўзбекистон тумани ИИБ тезкор гуруҳи ҳам тезда суриштирув ишларини бошлаб юборди. Орадан 6 кун ўтгач, туман

худудидан қопга солинган жасад топилди. Бу бедарак йўқолган деб қидирилатган Шавкатжон Азимовнинг мурдаси эди.

Ушбу қотилликни фош этишда ҳар бир шубҳали шахс эътибордан четда қолмади. Ниҳоят изқуварлар қотилларни аниқлашга муваффақ бўлдилар. Улардан бири Шавкатжоннинг яқин қариндоши М. А., иккинчиси эса муқаддам судланган Б.

Д. бўлиб чиқди. М. А. дастлаб Шавкатжоннинг отасига кўмаклашиб, савдо-сотик ишларида бирга бўлган. Кейинчалик айрим буюмлар йўқолганлиги сабабли у савдодан четлаштирилган. Бундан ачиқланган М. А. ўч олиш учун Шавкатжоннинг ҳаётига зомин бўлади. Бу жиноятни амалга оширишга илгари судланган Б. Д.ни ўзига шерик қилади. Улар қилмишларига яраша жавоб берадилар.

Н. ҲОЖИМАТОВА.

## ИНСОНИЯТ ОЛДИДАГИ ХАВФ

**Инсоният катта хавф олдида турибди. ОИТС (СПИД) эпидемияси бўйича бундан ўн йил илгари қилинган тахминлардан кўра ўтган даврда касаллик уч бора кенгрок тарқалди. У жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва демографик асосларига салбий таъсир кўрсатади.**

Бугунги кунда биргина ОИТС билан оғриган беморни тўла муолажа қилиш 18 минг АҚШ доллари туради. Ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам ҳар қандай киши бунча кўп маблаг орттириши қийин. Ушанда ҳам бемор бутунлай тузалмайди, унинг умрини бир неча йилга узайтириш мумкин, холос.

Касаллик пайдо бўлгандан буён 60 миллиондан ортиқ киши унга чалинган.

У ўлимга сабаб бўлиш бўйича тўртинчи ўринда туради. Шу пайтгача ОИТСдан 20 миллион киши вафот этди. Ҳозирда бу касалга чалинганларнинг учдан бир қисми 15-24 ёшдадир.

Касаллик Африка қитъасида энг кўп тарқалган. Бу ерда 15-49 ёшдаги аҳолининг 40 фоизи бу хасталикка чалинган.

МДХ мамлакатлари ичида Украинанинг бир фоиздан зиёдроқ аҳолиси


мазкур касаллик билан оғриган. Россия Федерациясида ҳам унинг ўсиши кузатиляпти. 1987-1999 йиллар оралиғида бу ерда 31 минг вирус юқтирувчи киши аниқланган эди. Биргина 2000 йилда улар яна шунчага кўпайгани қайд этилди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 80 минг кишини ташкил этди. Маълумки, ёшлар орасида игна ёрдамида томирга гиёҳвандлик моддаси юборувчилар кўпайяпти.

Ҳозирда Ўзбекистон ОИТС кам тарқалган мамлакатлар сирасига киради. Аммо шу кетишда инфекциянинг кўпайиш эҳтимоли ҳам бор.

Дунё тажрибаси эпидемиянинг тарқалишини се-

кинлатиш мумкинлигидан гувоҳлик беради. Бунда давлат идоралари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари профилактик тадбирларни кучайтириши зарур бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, ОИТСдан сақланишнинг профилактик чоралари ҳақида яна бир бор эслатишни истардим. Асосийси, жамиятда, кўпчилик ичида киши ўзини тўғри тутиши, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши керак. Шахсий ва умумий гигиена талабларига, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тасодифий жинсий алоқаларга чек қўйиш лозим. Одатдаги муомала-муносабатларда бу касаллик



юқмаслигини катталар ҳам, болалар ҳам билишлари керак. Юқори ҳарорат ва маийший ювиш воситалари биргалликда сувга аралашган вирусга қирон келтиради. Кийимларни, идиш-товокларни ювиш ҳам уларни яхшигина дезинфекция қилади.

Д. ТЎРАНАЗАРОВ, тиббий хизмат полковниги.

## Қилмиш —

### қидирмиш

**Андижон шаҳрида яшовчи Дилмурод охири йўламай қилган ишидан пушаймон.**

У 25 ёшга кирмасдан икки марта судланишга улгурди. Мактабни тамомлагач, ишламай, ўзига ўхшаган бекорчилар билан кўчада дайдиди. Аммо улфатчилик, кайфу сафога пул керак. Дилмурод бир уйга ўғирликка киришни режалаштирди. Бу ниятини шерикларига айтган эди, улар ҳам рози бўлишди. Лекин қўшнилари сизгирлиги туфайли ўғирлар ушланиб, ички ишлар ходимлари қўлига топширилди. Суд ҳукми билан Дилмурод 8 йилга озодликдан маҳрум этилди.

## ОЗОДЛИКДА ЎН КУН

У ўтган йилнинг октябр ойида озодликка чиқиб, уйига келди. Лекин у орадан ўн кун ўтиб, яна жиноятга қўл урди.

Кеч кузнинг изғиринли кунларининг бирида Дилмуроднинг кўргани келган қариндошлари узоқ ўтиришди. Кўёш ботаётган пайтда ошхонадаги ахлат челакини тўкиш учун кўчага чиққан Дилмуроднинг жияни ёнига маст ҳолдаги Собир исми йигит келди-да “Яхши қиз, мен билан юринг, айлангиб, музқаймоқ еб келамиз”, деб унинг қўлидан ушламоқчи бўлди. Қўрқанидан қичқириб юборган қизнинг овозини эшитган бувиси шошганча уйдан чиқди. Собирга “Набирамга нима дедингиз, ёшингизга муносиб иш қилсангиз бўлмайми?” деб танбех берди. Собир эса кайф устида кекса онахонни ҳақоратлай кетди. Онахон “Дилмурод, буёққа чиқ!” деб ўғлини чақирди.

Онаси билан воқеани эшитган Дилмурод Собирнинг орқасидан бориб, юз-кўзига икки-уч марта мушт билан уриб юборди. Каттик зарбдан йиқилган Собир ўрнидан туриб, қочиб уринди. Дилмурод унга етиб олди-да, сочидан ушлаб, қорнига мушт билан уриб, йиқитди. Кўнгли таскин топиб, орқасига қайтди.

Ерда ётган Собир жони оғриганидан оғзига келган сўз билан Дилмуродни ҳақоратлай бошлади. Бундан газабланган Дилмурод қўйнидан пичоқ чиқарди-да, унинг бўйин қисмига икки-уч бор санчиб олди. Кўп қон йўқотган Собир кўп қаватли уйларнинг бири остонасига юз тубан йиқилди. Жаҳл устида қўли қонга ботган Дилмурод қонли пичоқни ахлатлар уюмига ташлаб ҳеч нарса бўлмагандек, уйга кириб кетди.

Ўз вақтида кўрсатилган ёрдам туфайли Собир тирик қолди. Озодликка чиққанига эндигина ўн кун бўлган Дилмурод суднинг ҳукми билан яна жиноий жавобгарликка тортилди.

А. БУЗРУКОВ.

## Турмуш чорраҳаларида

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Савлодан қайтган Захро бир ҳафта деганда бошини кўтарди. Каттиқ сиқилганидан аъзои бадани қақшар, бор жамғармасидан бир зумда мосуво бўлганига ишонмасди. Аммо шошқалоқ ва укувсизлиги савлода панд берганини сира тан олгиси келмас эди. “Қарзни қайтариш муддатининг деярли ярми ўтди, — бу ўй Захрога чақмоқдек таъсир қилиб, фикрини тиниқлаштирди. — Оёққа туриб, қандай бўлмасин пул топишим керак”.

— Дарвозага қара, Дилдора, аканг келганга ўхшайди, — китоб ўқиб ўтирган қизига буюрди онаси.

Дарвоза эшигини очган қиз остона олдида турган салобатли одамни дарҳол таниди-ю, худди азроилни кўргандек чўчиб тушди. Орқага бир қадам чекиниб, зўрға салом берар экан:

— Ойи, сизни сўрашяпти, — дея меҳмонни ичкарига таклиф қилишни ҳам унутиб, ўзига суқ билан тикилиб турган нигоҳдан тезроқ қутулиш

маларнидир келишди-да, тезда ортига қайтди.

Дилдора шу куни яхши ухломмади. Кўзини юмди дегунча айқаш-уйқаш тушлар кўриб, зим-зиё қоронғулик қаърида унган солмоқчи бўлаётган қора шарпалар тажовузидан уйғониб кетаверди. Фақат тонгга яқин кўзи илиниб, дадасини туш кўрди. У Дилдорага қордай оппоқ келинлик либосини келтириб “шуни тезда кийиб ол, қизим”, деяётган эмиш. Севиниб кетган Дилдора уни кийгач, пардай енгил бўлиб, самода учиб юрганмиш. Туши ни-

тирди. Бу орада Аброр акага берган ваъдаси тўғрисида Дилдорага сўз очмоқчи ҳам бўлди. Бироқ орзулари бир олам бўлган қизининг беғубор кўзларига нигоҳи тушиши билан ундаги журъатдан асар ҳам қолмасди.

Кузатилаётган йилнинг сўнгги кунда кечга томон яна Аброр ака келди. Бу сафар у жуда қатъиятли эди.

— Мен Янги йилга омадсизлиги, қарз ўтишини истамайман. Қарз берган танишларимнинг олдига ҳеч қачон ўзим бормаганман ҳам, — у ичкарига кирмай ҳовлида туриб гапирарди Захрога. — Шунинг учун ўртамиздаги “муомала”ни ҳал қилгани келдим.

Захро ўзидаги бор журъатни қўлга олиб қизини чақирди. Ошхонадан чиққан Дилдора онасига савол назари билан қараб турарди. Она унинг олдига шитоб билан бордию билагидан ушлаб Аброр аканинг олдига етаклаб келди.

— Ўша ваъда, ваъда. Рози бўлсангиз мана, қизим сизники, — деди қатъийлик билан.

Нима гаплигини тушунмай ранги бўздай оқариб кетган Дилдора эса зўрға:

— Ойи, нималар деяпсиз, ўйлаб гапираяпсизми? — дея олди холос.

— Яхши, мен розиман. Фақат қизингизга ҳам тушунтириб қўйинг. Эртага икки киши билан келиб, никоҳ ўқитиб олиб кетаман, — бошқа сўз қўшмай чиқиб кетди у.

Дилдора бу воқеалар тушида бўлаётгани ёки ўнгидами англай олмасди. — Ойижон, раҳмингиз келсин, бундай қилманг, — онасининг оёқлари остига ўзини ташлади у.

— Нега ҳовлида аюҳаннос солаяпсан. Қўни-қўшнилари эшитса нима дейди? — қизини судраб уйга олиб кирди Захро. — Берсам фақат ўшанга бераман. Камбағал отангга тегиб қийнаётганим ҳам етади. Сен мол-дунё ичида яшайсан.

— Менга мол-дунё керак эмас. Дадамдан катта, неварали одамга текканимдан ўлганим яхши, —

онасининг этакларига ёпишиб, зорланиб йиғлади Дилдора.

Аммо шайтонга қўл берган онага қизининг кўз ёшлари заррача таъсир қилмади. У тирик мурдага айланган фарзандини ичкари уйга олиб кириб “бир оз ўзингга келиб ол, кейин эшикни очаман”, — дея устидан қулфлаб қўйди. Қилаётган бу иши тўғрисида эса бирорта яқинларини огоҳлантирмади. “Бошимга ташвиш тушганда менга ким ёрдам берди. Қиз меники, уни хоҳлаган одамга беришга ҳаққим бор”, деб ўйларди аёл. У тунда ҳайкалдек, забонсиз қотган қизининг олдига кириб, узундан-узоқ насихатлар қилди. Назарида қизи тақдирга тан бергандек эди.

Эртасига Захро бозорга бормади. Тўғрироғи, қизидан йироқлашгиси келмади. Ҳамма Янги йил тарадуду билан банд, одамлар бир-бирини қутлаётган бир пайтда Дилдора умри тугаб бораётган бемордек мажолсиз ўтирарди. У нажоткори сифатида онаси билан тортишиб қолиб, икки кундан буён уйга келмаётган акасини интиқ кутди. Аммо ундан ҳамон дарак йўқ. Онаси эса яна санокли соатлардан сўнг тақдирини ҳал бўладиган қизининг ҳар бир қадамини назорат қилиб турибди. Дилдора сўнгги бор ўзини қўлга олиб, ошхонада нималардир пишириб куймаланаётган онасининг олдига кирди. У кўзлаган режасини тезроқ амалга оширишни истарди. Шу мақсадда қўлига гугурт олди. Аммо уни ёқишдан олдин ўйланиб қолди. Ўзику оламдан ўтиб кетар, аммо оила шаънига тушадиган иснодни отаси, укаси, яқинлари кўтара олармикан? Қўни-қўшнилари, маҳалла-қўй нима дейди? Нима қилиш керак? Шу топда отаси ёнида бўлганда кўксига бошини қўйганча тўйиб-тўйиб йиғлаб оларди. Икки ўт орасида қовурилаётган Дилдора ана шундай ўйлар гирдобиди ўзи билан ўзи олишарди...

З. ЮНУСОВА.

## ТУБАНЛИК

Икки-уч кун деганда ўзини қўлга олган аёл бозордаги олди-сотдини танишлар ёрдамида йўлга қўйди. Аммо топилган фойда рўзғор тебратишгагина ярарди, холос. Унинг назарида кунлар шу қадар тез ўтдики, кўз очиб-юмгунча пулни қайтариш лозим бўлган муддат ҳам етиб келди. Бирор жойдан нажот топа олмаган Захронинг олдида фақат бир йўл турарди: яшаб турган ҳовлисини сотиб, пулни қайтариш. Чунки ушлаган жойидан узадиган, қатъиятли Аброр акадан яна мурувват кутиб бўлмаслигини яхши биларди. Лекин қиш қаҳратони эшик қоқиб турган бу паллада ижарага уй топиб, вояга етмаган болалари билан кўчиб ўтишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бироқ ўзга чора ҳам йўқ. Шу онларда эри Абдусамат аканинг ўрни илк бор жуда билинди. У топган-туртганини танишлари орқали фарзандларига юбориб турган бўлса-да, қасрда яшаб юрганлиги ҳалигача номаълум эди.

Захро ижарага уй излаб ҳориб қайтган бир пайтда дарвоза тақиллади.

мақсадида ичкарига шошилди. Қизининг ҳолатидан гап нимадалигини англаб етмаган Захро дарвоза ёнига шитоб билан борди, Аброр акага кўзи тушди-ю, оёқ-қўли бўшашиб кетди. Салом берар экан, вужудини эгаллаган қалтироқни билдирмасликка ҳаракат қилди.

— Келинг, Аброр ака, саломатлигингиз яхшими, уй ичилар тинчми? — дея меҳмонни қайта-қайта уйга таклиф қилди.

Меҳмон ташқаридан қайтмоқчи бўлган, чоғи, дарвоза ёнида турган машинасига бир-икки қараб қўйди-да, негадир ичкарига қаришни лозим топди.

— Дилдор, Дилдора, тезда меҳмонхонага кўрпача тўша, — шошилиб қизига буюрди Захро.

Бу орада Аброр ака ҳовли саҳни, уйларга зимдан назар солиб чиқди. Захронинг таклифи билан меҳмонхонага кирар экан, унинг нигоҳи дастурхон тузаш билан банд бўлган Дилдорадан узилмасди. Меҳмоннинг қизига бўлган бу эътибори она назаридан четда қолмади, албатта. Аброр ака узоқ ўтирмади. Захро билан ни-

ҳоясига етмай онасининг:

— Тур, турақол, қизим. Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Мен бозорга кетаяпман, — деган қандайдир меҳрибон товушидан уйғониб кетди. Кўрган тушининг таъбирини топишга уриниб, бир оз ўйланиб ётди. Дадасини эслаб кўзидан соғинч ёшлари куйилди. “Оқлик яхшилик аломати. Балки, дадам тез орада оиламизга қайтарлар”, ич-ичидан севинди у.

Аммо негадир қалбининг тубидаги қоронғулик тарқамасди. Бу ҳолатни тундаги кўрқинчли тушининг касрига йўйди у.

Онаси кеча келган меҳмон билан қандай қарорга келгани эса Дилдорага номаълум эди. Захро Аброр акадан яна икки ҳафтага муҳлат олди. Яъни, янги йилгача қарзини қайтара олмаса, олган пули эвзига қизи Дилдорани унга турмушга беришга ваъда берган эди. Аёлнинг бу қарорини пулдор эркак мамнуният билан қабул қилди. Шундан сўнг Захро ҳовлисини сотиш ниятидан воз кечди. Аммо ноумид шайтон, деганларидек таниш-билишларидан тиним билмай пул суриш-

## АҲИЛЛИККА ХИЁНАТ

**Бу мудхиш воқеа нафақат Асака туманида, балки, бутун Андижонда овоза бўлди. Кўнгиллар жунбушга келиб, изтироб дилни ўртади.**

билан қарши олди у эрини.

— Ишинг нима? Эркак бўлганимдан кейин ичаман-да.

— Ҳе, ичмай ҳар бало бўлинг.

Эрнинг феъли хотинга қанчалик малол келса, хотиннинг гапи ҳам эрга шунчалик оғир ботди. Фурури топталишига йўл қўйишни хоҳламаган эр хотинга дўқ қила бошлади.

Қадри оёқости бўлишини истамаган хотин ҳам бу борада эридан қолишмади. Аслида ҳар иккаласи ҳам шу пайтда ўз қадрларини поймол қилаётганликларини билишмасди. Можаро муштлашишга бориб етди.

— Акбар! — ўғлини чақирди аёл. — Арқонни олиб кел.

Дадасининг кунора можаросидан безган ўғил арқон тополмай, онасининг

бир-иккита рўмолини олиб келди. Она-бола дадасининг оёқ-қўлини боғлашди. Аброр шунда ҳам хотинини ҳақорат қилишдан чарчамади.

— Шунақами ҳали? — жаҳл қилди Омина. — Мана бўлмаса, мана, мана...

У эрини таёқ билан аямай ураверди-ураверди... Аброрнинг эса овози тинди.

— Ҳе, овозинг ўчгани рост бўлсин-е, — таёқни улоқтирди аёл. Сўнг ўғлига тайинлади:

— Акбар, дадангга тегма. Эрталабгача шу аҳволда ётса, эси кириб қолади.

Эрталаб Омина эрини кечкурун қандай ётган бўлса, шундайлигича кўрди. У эрига яқин келиб, уни турта бошлади.

— Ҳой, тирикмисиз?

Афсуски, Аброр кечкуруноқ жон берган эди.

Омина қилмишига яраша қонун олдида жавоб берди. Аммо ҳам ота, ҳам она меҳридан жудо бўлган фарзандлар бўзлаганча қолавердилар. Нега, ахир? Ноқобил ота-онадан дунёга келганликлари учунми?

С. ҲУСАНЗОДА.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

**Андижон шаҳар ИИБ томонидан қуйдаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда:**



**Хамрохон АҲМЕДОВА.** 1950 йилда туғилган. Андижон шаҳар, Охунбобоев кўчаси 72-уйда яшаган. 1999 йил 18 январь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 150–155 см, озгиндан келган, чап қўли ишга яроқсиз, сочига оқ оралаган.

**Кийимлари:** эғнида ангорка жемпер, зангори-кизил-кўк кўйлак, камзул, бошида оқ-кўк зангори рангли рўмол, оёғида калиш бўлган.

**Алоҳида белгилари:** ақли норасо, чап қўлининг тағида 5-6 см.ли чандик бор, тепа жағ қисмидаги тишлари сариқ металлдан.



**Тамара Ильинична ТАРКОВА.** 1928 йилда туғилган. Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 14 – “Б” – уй 28-хонадонда яшаб, Андижон шаҳар 4-кичик туман 28-уй 14-хонадонда яшовчи онасиникига меҳмонга келиб, уйдан ҳеч бир сабабсиз чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 155–158 см, танаси оқ-сарикдан келган, қоши, сочи қора-оқ оралаган, паст лабини ўнг томонида чандик бор, кўзи кўк, рухий касал.

**Кийимлари:** эғнида кремплин материалдан тикилган узун гижаранг йўли бор сариқ пальто, жун матосидан тўқилган сариқ шапка, кўк кўйлак, кўк жемпер, оёғида қора жун матодан тўқилган узун пайпоқ ҳамда қора этик бўлган.



**Ханифахон ИБРАГИМОВА.** 1918 йилда туғилган. Андижон шаҳар, Луначарский кўчаси 2-уйда яшаган. 1997 йил 2 июль куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 150–155 см, танаси оқ-сарикдан келган, ўрта гавдали, сочига оқ оралаган.

**Кийимлари:** эғнида хаворанг гулли кўйлак, лозим, оёғида гулли шилпак бўлган.

**Алоҳида белгилари:** тепа жағ қисмидаги 4 та тиши сариқ металлдан, юзининг чап томонида холи бор.

**Юқорида номлари зикр этилган бедарак йўқолган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

## Изтироб...

М. Омина негадир кўнгилга инган гашиқни эрига йўйди. “Бугун ҳам ичиб келади чоғи. Ҳар доим шу аҳвол. Кўнглим гашиқ бўлдим, тамом. Жонимга тегиб кетди. Бошқа эркакларга ўхшаб, индамай ухлаб қолса ҳам майли эди. На фарзандларга тинчлик бор, на менга. Тоқатим тоқ бўлди. Бугун ҳам ичиб келса аяб ўтирмайман”. Оминанинг хаёлида мавж урган ушбу фикрлар ҳали поёнига етмай туриб, остонада Аброр пайдо бўлди.

— Нима бало, яна мастмисиз? — кўрелик

# АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

**Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, республика Футбол федерацияси, "Ўзтелерадио" компанияси, республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши, "Экосан", "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармалари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий бошқаруви томонидан маҳалла ўсмирлари ўртасида ташкил этилган анъанавий "Футболмиз келажаги" кубоги турнирини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.**

2000 йилдан бери ўтказилиб келинаётган бу футбол турнири жойларда маҳалла болалари ўртасида спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда салмоқли ўрин эгаллаётган.

Энг муҳими футбол ва бошқа спорт турлари яхши ривожланган масканларда болалар ўртасида тартиб-бузарликлар ва жиноятлар сезиларли даражада касалмайди.

Йиғилишда ўтган йилги турнирда қўлга киритилган ютуқлар қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликлар атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллиги ва Ўзбекистон футболнинг 90 йиллигига бағишланган "Футболмиз келажаги" турнири май-сентябрь ойларида бўлиб ўтади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев сўзга чиқиб, бу хайрли тадбирни ўтказишда ички ишлар идоралари ходимларининг вазифалари хусусида гапирди.

**И. ТОЛБОБОВ,**  
милиция подполковниги.

## БОЛА ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНДИ

**Жамоат тартибини сақлаш бўйича навбатчиликдан қайтаётган Ички қўшинлар хизматчилари Т. Мамадалиев ва Н. Усмоновлар Қўшарик даҳасидаги 29-уй олдидан ўтиб кетаётган ногаҳон гумбирлаш овозидан сергак тортдилар. Зум ўтмай ёш боланинг "ёрдам беринглари!" деган овози эшитилди. Балконда қора тутун кўргач, улар ёрдамга ошиқдилар.**

53-хонадон қулф эди. У ерга қўшни хона балкони-дан ўтишга тўғри келди. Йигитлар ўз жонларини хатарга қўйиб, 7 ёшли С. Хусайновни ишлаб турган

телевизор портлаган хонадондан олиб чиқибди.

Худди шу пайтда Андижон шаҳар ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми шахсий тарки-

### Ходиса

бининг жанговар тайёргарлигини текшириш мақсадида фавқулодда ҳолат эълон қилинган эди. Смена бошлиғи, ички хизмат капитани Неъматжон Кенжабоев бошчилигида зудлик билан ҳодиса жойига етиб борган ўт ўчирувчилар ёнғинни ўчиришди.

Жасур хизматчилар Т. Мамадалиев ва Н. Усмоновларга миннатдорчилик эълон қилинди.

**Н. ЭРГАШЕВ.**

### Найранг

## МАШИНА БИР-ИККИ "АКСИРДИ" ВА...

**Бошқа уйга кўчиб ўтиш одатда анча ташвиш келтиради. Шу боис Николай К. тузукрок юк ортувчиларни излашга киришди. Унинг эйтиборини рекламалар ўрин олган тахтадаги бир эълон тортди. "Юклар манзилга арзон нархда етказиб берилади. Барча русумдаги автомобиллар мавжуд, юкчилар арзон нархда малакали хизмат кўрсатади", дейилган эди унда.**

Диспетчер Николайдан ўзи яшаётган уй неча қават эканлиги, юк ортиладиган лифт бор ёки йўқлиги, неча дона мебель олиб борилиши кераклиги ва бошқа икки-чикирларни сўраб, ёзиб олди. Юк ташиладиган кун келишиб олинди.

... Юкчилар ҳақиқатан ҳам эпчил йигитлар экан. Улар жиҳозларни жуда эҳтиётлаб ортишди. Видеоаппаратури эса мато билан гўдакдек "йўргаклаб" кабинага жойладилар. Ҳаммаси машина йўлга тушгунча кўнгилдагидек бораётган эди.

Машина ярим йўлга етганда бир-икки "аксириб", тўхтаб қолди. Ҳайдовчи асабий равишда моторни титкилай бошлади. У анча урингандан кейин ҳафсаласи пир бўлиб:

— "Техник ёрдам" машинасини чақирингиз тўғри келади, — деди ва Николайга бир парча қоғоз узатди. — Мана телефон рақами, сим қоқиб, тезда етиб келмасанглар бўлмайди, дейсиз. Келаётганимизда шундоққина муюлишда телефон автоматига кўзим тушган эди, борақолинг.

... Гўшақни кўтарган киши дағаллик билан бу жой автосервис эмас, хонадон эканлигини айтди. Николай ҳайдовчи телефон рақамини янглиштирган бўлса керак, деган умидда тезда ортига қайтди. Аммо машина жойида йўқ эди. У билан бирга барча уй жиҳозлари, мебеллар ҳам ғойиб бўлганди. Шундагина Николай юкчилар видеоаппаратури нега бу даражада авайлашганини тушуниб етди...



### "01" ХАБАР ҚИЛАДИ

**Ўтган ҳафта мобайнида республикаимиз ҳудудида 145 та ёнғин содир бўлганлиги қайд этилиб, улардан етказилган моддий зарар миқдори бир неча юз минг сўмдан ортиқни ташкил этди. Турли сабабларга кўра юзага келган ушбу ҳодисалар 10 нафар фуқаронинг турли даражада тан жароҳати олишига сабаб бўлди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ёнғинлар сони кескин камайган. Бироқ лоқайдлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳамон кузатиляпти.**

Жондор тумани Обдўз қишлоғида яшовчи фуқаро Т. Рўзиев газ плитасидан фойдаланишда эҳтиётсизликка йўл қўяди. Плита жўмрагини очиб, сўнг гугурт қидиришга тушади. Гугурт топиб, уни ёққан вақтида катта босимда чиқаётган газ алангаланиб кетади. Оқибатда уй эгасининг устидаги кийимлари ёниб, икки қўли куйиб, тан жароҳати олади.

Самарқанд вилояти Урганч қишлоғида яшовчи уй

бекаси Д. Бобоназарова тандирни тезроқ қиздириш мақсадида унинг ичида ёниб турган хас-хашаклар устига солярка сепиб юборади. Натижада бир зумда кўтарилган аланга Дилфузанинг қўлини куйдиради. Даҳшатли алангани кўрган уй бекаси кўрққанидан қўлидаги соляркали идишни ташлаб юборади. Натижада куйиш жароҳати олиб, касалхонага ётқизилади.

Газ билан боғлиқ яна бир ёнғин Қува туманида

истиқомат қилувчи фуқаро Курбоннинг хонадонидан содир бўлди. Газ плитасини ёқиқ ҳолда узоқ вақт назоратсиз қолдирилишидан ошхона ва омборхонанинг том қисмлари зарар кўрди.

20 апрель кун Миробод тумани ўт ўчириш қисмига ёнғин ҳақида хабар тушади. Ўт ўчирувчилар фалокат юз берган жойга етиб келишганда ёнғин кенг тарқаб кетмаганди. Шунда алангани ўчириш ишларини бошлаш вақтида тутун ичида димиқиб, ёрдамга чақирингиз кучи қолмаган кекса ёшдаги кишини кўриб қолишади. У шу заҳоти очик ҳавога олиб чиқилиб биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади ва ҳаёти сақлаб қолинади. Уй жиҳозларини қоплаган аланга тезда бартараф этилади.

**Д. ҚАМБАРОВ,**  
ички хизмат катта лейтенанти.

### САЙПИ ИСАМБОВЕВИЧ ИСАМБОВ

Бешафқат ўлим истеъфодаги ички хизмат подполковниги Сайпи Исамбоевич Исамбоевни орамиздан олиб кетди.

С. Исамбоев 1916 йили Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ишчи оиласида туғилган. 1937 йилдан 1974 йилгача ёнғиндан сақлаш хизматида ишлади. Иш фаолияти давомида бир қатор вилоятлар ёнғиндан сақлаш хизматида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. Охири йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида Самарқанд вилояти ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлимидан бошқарди. Вилоятда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинларнинг олдини олиш борасида катта ташкилотчилик ишларини олиб борди.

С. Исамбоев кўп йиллик самарали хизматлари учун бир қатор мукофотлар билан тақдирланган.

Устозимиз, ёнғиндан сақлаш хизмати фидойиларидан бири Сайпи Исамбоевич Исамбоевнинг порлоқ хотираси қалбимизда мангу қолади.

Ўзбекистон Республикаси  
ИИБ Ёнғин хавфсизлиги  
Бош бошқармаси раҳбарияти  
ва шахсий таркиби.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Рихситилла Имомовга акиси

#### Азмидин ИМОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ҲООБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги С. Хусановга онаси

#### ИНОБАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, вилоят ИИБ бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Жаҳонгир Гофуровга падари бузруквори

#### АБДУРАХИМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХ раҳбарияти ва шахсий таркиби ушбу хизмат инспектори, милиция катта лейтенанти Ф. Курамбаевга онаси

#### САОДАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХ раҳбарияти ва шахсий таркиби ушбу хизмат катта инспектори, милиция капитани Ш. Мамазияевга онаси

#### МУКУМОЙ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



### БОЛАНING ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармасига қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш марказига Бектемир тумани ИИБ профилактика инспектори томонидан қаровсиз қолган, ўзини Роман деб таништирган, тахминан 4 ёшлардаги ўғил бола олиб келинган.

Профилактик суриштирув чоғида аниқланишича, бола 19 апрель кун уйдан чиқиб кетган, ота-онаси ва яшаш жойи ҳақида аниқ маълумот беролмайди.

**Белгилари:** бўйи 75-80 см, қомати кичикрок, қошлари сийрак сариқ, кўзи жигарранг.

**Алоҳида белгиси:** кўкрак қафасининг чап томонида 2 см. катталикда шиш бор.

**Кийимлари:** эғнида қизил-яшил ранг кўйлак, яшил жемпер, кўк шим, оёғида қора кроссовка бор.

Боланинг ота-оналари, яқинлари, қариндошлари Янгийўл шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш марказига мурожаат этишлари мумкин.

### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir v.b.  
**Aleksandr VORGUDYAEV**

Bosh muharrir  
o'rinbosari v.b.  
**Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib  
**B. AZIMOV**  
Navbatchi:  
**S. SHAMSIDDINOV**  
Musahhihlar:  
**M. AKRAMOVA**  
**G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi va dizayner:  
**A. MIRZAMUHAMEDOV**

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinbosari 139-75-69.  
Mas'ul kotib 139-73-88.  
muhbirlar  
bo'limi 139-75-69.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari  
bo'yicha murojaat uchun  
faks: 54-37-91  
Tel.: 59-23-08

E-mail:  
**urmvd@globalnet.uz**

Bizning hisob  
raqamlarimiz  
O'zbekiston Respublikasi  
Markaziy banki  
Toshkent viloyati  
Bosh boshqarmasi.  
hisob raqami:  
21596000500447980001,  
MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB  
O'zbekiston A.J.  
20210000300447980002  
MFO 00831,  
i/r 5033853  
INN 200637499

· Ko'chirib bosishda  
«Postda» dan ekanligini  
ko'rsatish shart

· Muallifning mulohazasi  
tahririyat fikriga mos  
tushmasligi mumkin.

· Qo'lyozmalar tahlil  
qilinmaydi va  
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston  
Respublikasi Davlat matbuot  
qo'mitasida 00007 raqam  
bilan ro'yxatga olingan  
Buyurtma Ғ — 446.  
Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish  
vaqti — 19.00.  
Bosishga  
topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiraji 44.888 nusxa.

«SHARQ»  
nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi  
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.